XALQ DEPUTATLARI ZARBDOR TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 4 - yanvar VI-50-1-3-49-K/23 Zarbdor tuman hokimligi

Зарбдор тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2023 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан 2023 йил учун Зарбдор туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2023 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли фармони ва туман давлат солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 декабрдаги 19/6-04685-сонли ахборотномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Зарбдор тумани учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган

камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) бўйича мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши, юқорида 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Нурматов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Б.Аҳмедов), туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Қулматов)ларга 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Зарбдор” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

8. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Муродов) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Нурматов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **З.Рузиев**

Xalq deputatlari Zarbdor tuman
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-50-1-3-49-K/23-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн. сўмда	Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)		Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (млн.сўмда)
			Камай-тирувчи	Оши-рувчи	
1	Мустақиллик МФЙ	32,00	0,9		28,8
2	Ойбек МФЙ	32,00	0,9		28,8
3	Нуробод МФЙ	32,00	0,9		28,8
4	Тинчлик МФЙ	32,00	0,9		28,8
5	Оқбулоқ МФЙ	32,00	0,9		28,8
6	Равот МФЙ	32,00	0,9		28,8
7	Навоий МФЙ	32,00	0,9		28,8
8	Янгихаёт МФЙ	32,00	0,9		28,8
9	Лалмикор МФЙ	32,00	0,9		28,8
10	Тоза-уруғ МФЙ	32,00	0,9		28,8
11	Янгиобод МФЙ	32,00	0,9		28,8
12	Шарқ Юлдузи МФЙ	32,00	0,9		28,8
13	Шодлик МФЙ	32,00	0,9		28,8
14	Тараққиёт МФЙ	32,00	0,9		28,8
15	Дўстлик МФЙ	32,00	0,9		28,8
16	Наврўз МФЙ	32,00	0,9		28,8
17	Адиробод МФЙ	32,00	0,85		27,2
18	Тошкесган МФЙ	32,00	0,85		27,2
19	Янгикент МФЙ	32,00	0,82		26,24
20	Нурафшон МФЙ	32,00	0,82		26,24
21	Андижон МФЙ	32,00	0,85		27,2
22	Оқар МФЙ	32,00	0,82		26,24
23	Навбоҳор МФЙ	32,00	0,82		26,24
24	Ёшлик МФЙ	32,00	0,82		26,24

Xalq deputatlari Zarbdor tuman
Kengashining
2023 yil 4 yanvardagi
VI-50-1-3-49-K/23-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси, сўмда	Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)		Ер солиғининг ставкаси 2023 йил учун (млн.сўмда)
			Камай-тирувчи	Оши-рувчи	
1	Адиробод МФЙ	323,18	0,77		248,85
2	Андижон МФЙ	323,18	0,76		245,62
3	Дустлик МФЙ	323,18	0,77		248,85
4	Ёшлик МФЙ	323,18	0,76		245,62
5	Лалмикор МФЙ	323,18	0,77		248,85
6	Мустакиллик МФЙ	323,18	0,78		252,08
7	Навбахор МФЙ	323,18	0,76		245,62
8	Навоий МФЙ	323,18	0,78		252,08
9	Наврўз МФЙ	323,18	0,77		248,85
10	Нурафшон МФЙ	323,18	0,75		242,39
11	Нуробод МФЙ	323,18	0,78		252,08
12	Ойбек МФЙ	323,18	0,78		252,08
13	Оқар МФЙ	323,18	0,76		245,62
14	Оқбулоқ МФЙ	323,18	0,78		252,08
15	Равот МФЙ	323,18	0,78		252,08
16	Тараққиёт МФЙ	323,18	0,76		245,62
17	Тинчлик МФЙ	323,18	0,78		252,08
18	Тоза уруғМФЙ	323,18	0,78		252,08
19	Тошкесган МФЙ	323,18	0,76		245,62
20	Шарқ Юлдузи МФЙ	323,18	0,78		252,08
21	Шодлик МФЙ	323,18	0,76		245,62
22	Янги хаёт МФЙ	323,18	0,78		252,08
23	Янгикент МФЙ	323,18	0,76		245,62
24	Янгиобод МФЙ	323,18	0,78		252,08